
«Ёшлар ва қонун» мавзусида ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилди.

Данғара тумани адлия бўлими ташаббуси билан 34-сонли умумий ўрта таълим мактабида ёшлар ўртасида қонунга бўйсиниб яшаш ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил этилди.

Тадбирда Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суди раиси А.Разиков мамлакатимизда ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, она Ватанга муҳаббат, садоқат, меҳр-мурувват каби туйғуларни мустаҳкамлаш бўйича гапириб ўтди.

Тарғибот тадбири давомида Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суди судьялари Б.Норов ва У.Сафаров томонидан ёшларга кибержиноят, интернет фирибгарлиги ва бошқа жиноятлар ҳақида тушунтириш ҳамда ёшлар ўртасида жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича тавсиялар берилди.

Тадбир сўнгида ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

2024-03-28 15:39:49